II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2020 йилнинг январь-март ойларида 1 090,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ишлаб чиқариш ифоси 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан 107,3 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 89,2 фоизни ташкил этди (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ишлаб чиқариш индекси 106,7 фоиз). Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 7,5 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 114,9 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши 1,2 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 54,5 фоиз),тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 2,1 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 202,9 фоиз), ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат махсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(2020 йилнинг январь-март)

	Млрд. сўм	*2019 йил январь-мартга нисбатан ишлаб чиқариш индекси*
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми	**1 090,7**	**107,3**
Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**23,4**	**202,9**
улардан:		
тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	23,4	202,9
Қайта ишлаш саноати	**973,0**	**106,7**
ундан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	183,7	99,6
ичимликлар ишлаб чиқариш	5,5	0,2
тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	387,5	93,8
кийим ишлаб чиқариш	70,4	105,7
тери ва унга тегишли маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,4	232,8
ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	5,7	109,0
қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3,0	62,5
ёзилган материалларни нашр этиш ва акс эттириш	1,4	242,5
кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3,6	254,2

	Млрд. сўм	*2019 йил январь-мартга нисбатан ишлаб чиқариш индекси*
резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	22,6	75,8
бошқа нометал менирал маҳсулотлари ишлаб чиқариш	109,7	100,5
металлургия саноати	37,5	96,4
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	7,8	156,3
электр ускуналарни ишлаб чиқариш	50,1	53,1
компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	27,0	384,6
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	0,5	49,3
Мебель ишлаб чиқариш	30,9	162,7
бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	12,9	99,6
машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	12,6	241,1
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	0,2	78,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**81,2**	**114,9**
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**13,1**	**54,5**

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида энг юқори улушини ишлаб чиқарадиган саноат корхонлари (89,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Жорий йилнинг январь-март ойлари ишлаб чиқарадиган саноат корхонлари томонидан 973,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш индекси 106,7 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида юқори улушини ташкил этган корхоналар ҳиссаси

(фоиз ҳисобида)



Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми

Жиззах вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Жиззах шаҳри (Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 45,4 фоиз улушини), Дўстлик, (15,9 фоиз) Пахтакор (6,0 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоизда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	*2020 йил январь-март*	*2019 йил январь-мартига нисбатан фоиз*
Ишлаб чиқарадиган саноат			
Пахта хом-ашёни қайта ишлаш	т	36 723	63,0
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси	т	12 075,0	62,9
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 1 навли	т	9 928	65,4
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 2 навли	т	699	26,8
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 3 навли	т	611	124,4
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 4 навли	т	505	182,3
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 5 навли	т	332	51,9
Пахта чигити	т	18 742	72,2
Момиқ	т	1 102,0	67,3
Бошқа техник чигит	т	575	10,6
Тозаланган пахта ёғи	т	1 671,0	65,8
Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар	т	7 914,0	67,3
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	т	187	83,6
Таркибида ёғ ёки ҳайвон ёки ўсимлик муми бўлган моддаларни қайта ишлашнинг бошқа қолдиқлари ва чиқиндилари	т	83,0	59,3
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	т	14 716	97,8

	Ўлчов бирлиги	*2020 йил январь-март*	*2019 йил январь-мартига нисбатан фоиз*
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	т	9 895,0	99,1
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	т	514	118,4
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	т	4 922	143,7
Чакана савдо учун қадоқланмаган юзаки актив воситалар, ювиш ва тозалаш воситалари	т	143	49,3

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 100,0 фоизга ва жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушини эса ўтган йилнинг мос давридаги 46,3 фоиздан 37,0 фоизга камайган.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)



Шу билан бирга ўсиш суръати ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан энг юқори бўлган қуйидаги туманларда кузатилмоқда. Хусусан, Ғаллаорол (104,1 фоиз) ва Бахмал (103,6 фоиз), Зафаробод (103,6 фоиз) ҳамда Янгиобод (103,3 фоиз) туманларида фоизга ўсиш кузатилган.

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига ҳудудларнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида энг юқори улуши Жиззах шаҳри (46,6 фоиз), Дўстлик (14,2 фоиз), Зомин (6,7 фоиз) ва Шароф Рашидов (5,8 фоиз) туманларига тўғри келади.

Ҳудудларнинг истеъмол товарларидаги улуши
(фоиз ҳисобида)



2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш



2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудларда аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 2020 йилнинг январь-март ойларида 79,0 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 2 025,3 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 268 та янги иш ўринлари яратилди.



2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича саноат махсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши, фоизда



2020 йил январь-март ойларида истеъмол моллари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши, фоизда



2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича истеъмол моллари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши, фоизда



Туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги улуши паст Жиззах шаҳар (79,6 фоиз), ва Дўстлик (34,8 фоиз) туманида кўсатган.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда 2 900 та фаолият юритаётган саноат корхонлари бўлиб, шундан 2 876 таси кичик бизнес саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат тармоғида фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналари

(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)



Ҳудудлар миқёсида олиб қаралганида, саноат тармоғида фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналарининг асосий қисми Шароф Рашидов (32 та) туманида ва Жиззах шаҳрида (29 та) жойлашган.

Шунингдек, Дўстлик (13 та), Зарбдор (12 та), Фориш (11 та), Зафаробод (11 та), Зомин (10 та), Мирзачўл (8 та), Ғаллаорол (7 та), Янгиобод (7 та), Пахтакор (5 та), Бахмал (4 та) ҳамда Арнасой (2 та) туманларида ҳам саноат тармоғидаги янги ташкил этилган корхоналар фаолият юритиб келмоқда.